

УДК: 8-1/-9+8-32

**Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига
БАДИЙ ҲАҚИҚАТ ВА МУАЛЛИФ МУНОСАБАТИ**

Й.Солижонов

Ҳақиқатнинг ўлиши мумкин эмас.

Чингиз Айтматов.

Аннотация

Мақолада Чингиз Айтматовнинг “Юзма-юз”, “Жамила” қиссалари таҳлили орқали ёзувчининг қаҳрамонлар ички дунёсини ёритиш маҳорати кенг ёритилган. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқат даражасига кўтаришдаги изланишлари чуқур тадқиқ этилган.

Аннотация

На основе анализа повестей Чингиза Айтматова “Лицом к лицу” и “Джамиля”, в статье раскрывается мастерство писателя передавать внутренний мир героев. Глубоко исследованы поиски, направленные на поднятие правды жизни на уровень художественной правды.

Annotation

On the basis of analysis novels “Face to face” and “Jamila” by Chingiz Aitmatov writer’s skill to reveal inner world of the characters’ are uncovered in this article. Search for raising reality of life to artistic reality level is widely studied.

Таянч сўз ва иборалар: қисса, маҳорат, услуб, ҳаёт ҳақиқати, бадиий ҳақиқат, характерлар талқини, уруш йиллари.

Ключевые слова и выражения: повесть, мастерство, стиль, реальность жизни, художественная правда, интерпретация персонажей, военные годы.

Keywords and expressions: story, skill, style, reality of life, artistic reality, interpretation of characters, war years.

Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқат даражасига кўтариш ҳар доим санъаткордан улкан маҳорат ва юсак масъулиятни талаб қилади. Чунки ҳаётда рўй берган ҳар қандай воқеанинг чин ёки ёлғонлигидан қатъий назар, бадиий ҳақиқат даражасига кўтариш учун муаллиф аниқ ғоявий концепция, мустаҳкам шаклланган дунёқарашга эга бўлиши лозим. Шундай ёзувчилар бўладик, ифодаламакчи бўлган реал воқеа-ҳодисани бадиий жиҳатдан ишонарли тасвирлай олмай, ўқувчисини боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Бу, айниқса, миллий, диний ва ахлоқий масалаларни тасвирлашда аниқ кўринади. Ҳақиқий миллатпарвар ва халқчил санъаткор бундай нозик масалаларда ўзини холис тутиб, шахсий муносабатини бадиий образлар, деталлар, рамзий тимсоллар орқали илгари суради ва ўқувчи эҳтиёжини қондиришга эришади. Бу жиҳатдан буюк санъаткор Чингиз Айтматов ижоди ғоят ибратлидир.

Маълумки, Чингиз Айтматов асарларида Иккинчи жаҳон уруши мавзуси муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай ёзган эди: “Мен ижодимда ҳар доим Иккинчи дунё савашини эслатаман. Бу уруш фақат биз учун эмас, буткул инсоният учун ўта оғир ва даҳшатли йўқотиш, хотирадан кетмас воқеа бўлган. Бу уруш одамларга ўлим билан очарчиликка олиб келган десак,

унинг касофатини ожайтурган бўламиз. Бу уруш ўша даврдаги одамларнинг одоб ва ахлоқига ҳам тажовуз этиб, асрлардан бери шаклланиб келган урф-одатлари, расм-русумларига ҳам чексиз зиён-заҳмат етказди” [1.200]. Чиндан ҳам ёзувчининг қарийб барча асарларида инсоният бошига оғир кўргуликлар солган уруш айнан ўша давр одамларининг одоб-ахлоқига, дунёқарашига ҳам жиддий таъсир этиб, миллий урф-одатлар ва диний қадриятларимизнинг бузилишига, айрим ноинсофларнинг кўнглига келган қилиқларини амалга оширишига шароит яратиб берганлиги ҳикоя қилинади.

Бу жиҳатдан Ч.Айтматовнинг йирик жанрдаги илк тажрибаси – “Юзма-юз” билан “Жамила” қиссалари характерлидир. Ҳар икки қиссада ҳам қалтис мавзулар қаламга олинган: “Юзма-юз”да Ватанини (у пайтда бутун иттифоқ ҳудуди ягона Ватан деб тан олинган эди-И.С.) ҳимоя қилишдан онгли равишда бош тортиб, ярим йўлдаёқ курули билан поезддан тушиб қолган қочоқ, “Жамила”да эса жанг майдонида жон олиб, жон бераётган эридан воз кечиб, шариат қоидаларига ҳилоф равишда никоҳ шартларига риоя қилмай, ўз ихтиёри билан етти ёт бегона эркакка эргашиб кетган аёл образи яратилган. Сиртдан қараганда ҳар иккисининг қилмиши ўша шароитда чиндан ҳам хиёнат эди.

Ҳали уруш даҳшатлари совимай, унда қатнашганлар ўзининг

Й.Солижонов – ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ким ва нима учун жанг қилганини англамай туриб, чекка бир ўлканинг оддий қишлоғидан аскарликка олинган йигит образини яратиш орқали ёзувчи *“ўша пайтда ҳеч ким қаламга олмаган мавзу—қочоқ, унинг аёли ва онаси тақдири мавзусига мурожаат қилган”* [2.22] эди. Орадан ўттиз йиллар ўтгач, муаллиф бу қиссасини қайта кўриб, унда тасвирланган Исмоил, Саида, она, Мирзакул образларига, одамларнинг урушга нисбатан ички муносабатига сайқал берди, яъни *“уруш биз учун нафақат зафарли тарихий воқелик, балки у алоҳида олинган ҳар бир инсон учун ҳам оғир синов”* бўлганлигини янада чуқурроқ очишга интилди.

Маълум бўлишича, жони кўзига ширин кўринган Исмоил йўлда поезддан тушиб қолган. Демак, у - қочоқ, у - хоин! Бироқ, Саида учун у ўғлининг отаси, бир умр ўзини бағишлаган танмаҳрами. Энди нима қилсин? Ана шундай икки ўт орасида қолган аёл учун кейинги кунлар нақадар оғир, ташвишли ўта бошлайди. У одамлардан уялиб, уларнинг юзига тик қаролмас, гўё одамлар билиб қолиб, қочоқнинг хотини, деб юз ўгираётгандек эди. Аввалига у *“Майли, қочқин бўлса, қочқин деяверсинлар, менга олтин боши омон бўлса бўлгани!”* деб, ўзини юпатарди. Бироқ, кейинчалик кўни-кўшнилари билан ғалаба йўлида жон бериб, жон олаётганларини кўргач, бунинг устига кўшниси Тўтиойнинг эрта-индин туғиб, рўзғорини таъминлайдиган сигирини эри ўғирлаганини билгач, Саиданинг кўзи очилади. У эрининг фақат беозор қочқингина эмас, балки хавфли душман ҳам эканлигини англайди ва унга қарши курашга отланади. Адиб шу ерда ҳаёт ҳақиқатини янада ишонарли тасвирлаш ва бадий юкини орттириш мақсадида ўз оиласида юз берган реал воқеани кўшнанинг *“кўчиради.”* Аслида ўғирланган сигир ўзлариники эди. Чингиз оға эса ислом динига мансуб халқлар учун кўшнанинг рўй берган фожиаси ўзиникидан кўра ортиқроқ аҳамиятга эга эканлигини англатиш ниятида шундай қилади.

“XX аср рус адабиётининг буюк вакили” А.Твардовский ҳамда таниқли француз адиби Луи Арагонларнинг *“Жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси”* юксак баҳосига сазовор бўлган *“Жамила”* (1958) қиссаси ҳам ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришнинг ибратли намунаси бўлиб қолди. Бу асар мавзусининг янгилиги билангина эмас, балки қаҳрамонлари тақдирининг ўзига хос ҳал этилиши билан ҳам ўқувчиларни чуқур ўйга толдирди, жиддий тортишувларга сабаб

бўлди. Чунки тарихнинг энг мураккаб даври – Иккинчи жаҳон уруши авжи қизиган, оғир иқтисодий етишмовчилик халқ турмушини издан чиқараётган бир пайтда эри урушда қатнашаётган аёлнинг ҳеч ким билан ҳисоблашмай, ҳеч қандай урф-одатларга риоя қилмай, насл-насаби номаълум бир кимса билан қўл ушлашиб кетавериши ўқувчилар оммасига чақмоқдек таъсир қилди, адабий жамоатчилик орасида асарга нисбатан ҳар хил муносабат уйғотди.

Ёзувчининг эслашича, ўша пайтда *“Юзма-юз”* ҳамда *“Жамила”* ҳақида турли йиғилишларда, матбуот саҳифаларидаги мақолаларда айтилмаган танқидий фикр қолмади ва бу табиий ҳол эди. Чунки кўпчилик ўша пайтда на Исмоил, на Жамиланинг қилмишларини оқлай олмас, ўзини СССР фуқароси деб билган ўқувчи учун улар сотқин ва бузуқ бўлиб, бундайлар энг олий жазога лойиқ деб топиларди. Шу боисдан бу асарлар оддий одамлардан тортиб, то юқори органларгача кучли акс-садо уйғотди. Масалан, *“Юзма-юз”* қиссаси қаҳрамони Исмоил ҳақида *“Бизнинг типик қаҳрамонларимиз, урушда ғалаба қозongan ботирларимиз қани? Ҳақиқий жасурлар, ўлмас-ўчмас жасорат кўрсатганлар қани? Дезертирлар у пайтда дарров тутулиб, отиб юборилган! Айтматов шу ғояси билан ишини давом эттирса, антисовет фикр-мулоҳазалари билан бизни қаёққа олиб бораётганини яхшилаб, ҳозирдан ўйлашимиз керак”*. Ёки *“Жамила”* асаридаги аёлнинг қилмиши тўғрисида *“Ёзувчи Жамила ҳақида оғзига келган гапларни валдирабди. Эри фронтда юрса, бошқа биров билан қочиб кетармиш. Шунақа китоб ёзиш мумкинми?”*, *“Бундайларга фақат калтак керак! Элни бузган мана шулар! Буржуазиянинг таъсири бу! Халқ душманлари мана шулардан келиб чиқади!”*, деган жиддий айблов фикрлар айтилди (*“Болалигим”*, 205-207).

Чиндан ҳам Исмоил ва Жамиланинг жасорати ибратлими? Улар тўғри иш қилдими? Исмоил-ку кўрқоқлик қилгандир, кекса ва касалванд онаси, хотини, янги туғилган ўғлини кўзи қиймагандир? Бу ҳолат нафақат бизда, балки бевосита уруш бўлаётган мамлакатлар аҳолиси орасида ҳам рўй бераётган эди. Бироқ Жамиланинг қилиғи бизнинг миллий менталитетимиз, диний қадриятларимизга зид ахлоқий бузуқлик-ку! Чунки шариат қоидаларига кўра, никоҳ қилинган эри тирик бўла туриб, бошқа номаҳрам билан бирга бўлиши оилага хиёнат, жиддий жазога лойиқ

гуноҳ эмасми? Зеро, аёлларнинг бу вафосизлиги ислом дини ҳукмрон бўлган ҳудудларда жиддий муҳокамага, айблашга ва кескин жазо беришга арзийди. Бунинг учун ҳам Жамила характери орқали урушнинг айнан ўзи айтган касофати – *“одамларнинг одоб ва ахлоқиқа ҳам тажовуз этиб, асрлардан бери шаклланиб келган урф-одатлари, расм-русумларига ҳам чексиз зиён-захмат етказгани”*ни бадий жиҳатдан исботлашни мақсад қилиб олган эди. Бинобарин, ёзувчи оддий инсоннинг ҳаётда йўл қўйган хатоларини баҳолаб, у ҳақда ҳукм чиқарувчи ҳуқуқшунос ҳакам эмас, балки ишқ тузоғига иллинган ошиқ ва маъшуқанинг қалб туғёнларини куйга солгучи сеҳрли қалам соҳибидир. Шу нуқтаи назардан ижодкор ўзининг суюкли Жамиласи билан Дониёри тақдирига бефарқ қарай олмас, уларни бир-биридан ажратиб юбора олмас эди. Ана шу ғоявий ниятини амалга ошириш учун санъаткор улар тақдирига янгича ёндашади. Бу ёндашув инсоннинг ёруғ оламда ўз истак-хоҳишига қараб яшаш ҳуқуқи эгалиги, бундан фойдаланиб, ўз тақдирини ўзи ҳал этиши мумкинлигини таъкидлаш ва ўқувчига етказиш истаги билан боғлиқдир. Айнан христиан динига мансуб Ғарб мамлакатлари учун бу ҳол оддий бир нарсадир. Эҳтимол, француз адиби Л.Арагонга Жамиланинг жасорати шу жиҳатдан маъқул бўлгандир?

Ҳар ҳолда миллий урф-одатларимиз ва диний қадриятларимизни яхши билган мутафаккир адиб бу масалага ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашади, ўзини иложи борида холис тутди ва Жамиланинг қилмишини баҳолашни воқеага бевосита гувоҳ бўлган ҳикоячи Сеит, овул аҳли ҳамда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилади. Келиноҳисини қораламаган биргина Сеит эди, холос. Ўзи ҳам севги қошонасига илк қадамини қўяётган бу ўсмир йигит улар тўғри иш қилди, деган ҳулосага келади. Бироқ, қишлоқ аҳли ёппасига Жамилани қоралайди: *“Ахмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди?” “Унинг нимасига қизиқди экан? Эски шинели билан тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, уволи ўзига, ҳали аттанг дейди... Бу танноз хотиннинг ҳолини ўшанда кўрамиз.” “Товба, Содиқдан ортиқ эрни топиб бўпти. Ўзига ўзи қилди, жувонмарг!” (106).*

Бугина эмас. Адабий танқидчиликда Жамила билан Содиқнинг турмуш қуришлари тўғрисида ҳам турлича қарашлар илгари сурилди. Масалан, бир гуруҳ олимлар *“Қиз турмушга севмасдан, ота-онасининг раъйига қараб чиққан, шунинг учун осонгина Дониёрга тегиб кетди”* дейишса, бошқаларнинг фикрича, у *“Ота-онаси томонидан севмаган кишисига мажбуран турмушга чиқарилган. Шунинг учун Жамила эрининг уйида гўё қишанлангандек, дамини ичига ютиб яшайди”*. Учинчи бир гуруҳ *“Жамилани йилқичи Содиқ обқочиб кетган ва у умри бўйи севмаган эр билан яшашга мажбур этилган. Шу боисдан унинг Дониёри билан қочиб кетиши табиий ҳол эди”*, деган фикрни билдирадилар. Кўрамизки, биринчи қарашда оз бўлса-да, Жамила характерининг фаоллиги (эрга чиққан), иккинчисида пассивлиги (ота-она томонидан мажбуран) таъкидланади. Кейингисиде Содиқ характерининг фаоллигига (Жамила тегмаган ҳам, берилмаган ҳам, балки куч билан олинган) урғу берилади. Яна *“Жамиланинг Содиқ билан никоҳи – икковининг ўзаро хатоси”*, деб қаровчилар ҳам учрайди. Хўш, бу қарашларнинг қай бири тўғри, қайсинисига ишониш керак? Эҳтимол, Жамиланинг *“хиёлати”*га икки қалб ўртасидаги мана шу зиддият ҳам сабаб бўлгандир?!

Бу муаммони ҳам ёзувчи ҳикоячи тилидан *“Содиқ акам чавандоз бўлган экан, у бир кун яйловдаги чорвадорлар тўйи муносабати билан ўтказилган пойгада Жамилага етолмай қолган экан. Шундан кейин изза бўлиб, уни обқочиб кетганлигини билардим. Овсин-ажинлар бўлса, ҳечам-да, улар бир-бирларини яхши кўриб топишган, дейишарди”* деган тахминини айтиш билан атай очиқ қолдиради. Шундай қилмаслиги мумкин ҳам эмасди. Чунки асар воқеалари муаллиф томонидан эмас, балки 12-14 яшар Сеит томонидан баён қилинган. Унинг ақли ҳали бундай масалаларнинг тубига етишга ожиз. Шунинг учун ҳам у акаси ва келин аясининг тўйларини шундай изоҳлайди.

Синчиклаб қаралса, бу фикрларнинг ҳар бирида ҳам оз бўлса-да, асос борга ўхшайди. Жамилага етолмай изза бўлиши ва қизни опқочиб кетишига қараганда, Содиқ жуда орномусли (бунга қисса сўнггида ҳам гувоҳ бўламиз), эпчил ва бақувват йигит бўлган. Жамилани опқочиб келгандан кейин уни севмаслиги мумкин эмас. Жамила ҳам шундай йигитни ўз меҳри-муҳаббатидан маҳрум қилмас. Бунинг биз қаердан биламиз? Мана бу сатрларга эътибор беринг: *“Жамила ҳар сафар хатни (Содиқнинг хатини) қўлига*

АДАБИЁТШУНОСЛИК

олиши билан ўз-ўзидан қизишиб кетар, уни ҳарислик билан тез-тез ўқий бошларди. Лекин хатнинг охирига яқинлашган сайин юзидаги қувонч алангалари сўниб, ранги ўчиб, қошлари яна чимирилиб қоларди. Баъзида хатни охиригача ўқиб чиқишга ҳам сабри чидамай, ҳафсаласи пир бўларди-ю, ғина демасдан, гўё қарз олган нарсасини қайтариб бераётгандек бўшашиб, хатни ойимнинг қўлига тутқазарди” (82-83). Одатда шариат қоидалари ҳамда миллий урф-одатларга кўра Содиқ унга алоҳида хат ёзиш у ёқда турсин, уйга ёзган хатининг энг охирида: “шунингдек хотиним Жамила ҳам эсон-омон юрибдими?” деб бир оғиз қистириб ўтарди, холос. Шаддод Жамила эса буни ҳазм қилолмас ва ўзича Содиқ мени севмайди, деб хулоса чиқарар, ўзини гўё камситилган деб ҳис қиларди.

Жамиланинг бу ҳолати Содиқни севишини, ундан муҳаббатли сўзларни кутишини, аммо эрининг хатидан бундай илиқ сўзларни тополмай норози бўлганлигини кўрсатади. Унга алоҳида хат ёзиш ёки бошидаёқ салом йўллаш қирғиз урфларига тўғри келмаслигини Чингиз Айтматовдек мутафаккир адиб билмаслиги мумкин эмасди. Шунинг учун қаҳрамони Содиқни эҳтиросли севги мактублари ёзишдан эҳтиёт қилади. Бу эса ўз қадрини, иззат-нафсини биладиган Жамиладек “жуда шўх, хатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркакларга хос фазилати бор” аёлни қондирмасди. Унинг юраги турли ҳиссиётларга тўла бўлиб, буни тушунадиган яна бир қалбга муҳтож эди. Содиқ эса узоқда. Уни Дониёр билан кетишга мажбур қилган сабаб ҳам айна ана шу кемтикликдир.

Ёзувчи икки ўт орасида қолган Жамила изтиробларини ҳам жуда ишонарли очиб

беради. Бир ёқда госпиталда даволанаётган ва бир-икки ойда келиш эҳтимоли бор бўлган эри, иккинчи ёқда, қўшиқлари билан оромини олган, чинакам муҳаббатини қозонган Дониёр. Уни севиб қолгандан кейинги ҳолатини адиб ҳикоячи тилидан шундай тасвирлайди:

“Мен янгамнинг **ташевишли, ғамгин чехрасига** қарар эканман, негадир ўзимни унга ўхшатардим. Чунки унинг ҳам **қалбини аллақандай бир ҳиссиёт ўртаётганини**, унинг ҳам юрагида янги умид-орзулар уйғона бошлаганини сезиб қолгандим. Назаримда, Жамила бу оташин ҳисни **қалбидан чиқариб ташлашга** уринаётгандек бўларди. Бироқ ўз севгисини тарк этолмай, унинг барча **заҳматларига чидашга мажбур** бўларди” (таъкидларга эътибор беринг-Й.С.).

Икки оташин, олижаноб қалбнинг бир-бирига яқинлашуви қисса баёнига лирик оҳанг бағишлайди. Ўқувчи ҳам ўзини асар персонажлари билан ёнма-ён юргандек сезади, улар билан биргаликда куйлайди, туйғуси жунбушга келади. Кўрамизки, асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларида сунъийлик йўқ, табиий чиққан. Биз китобни ўқиб чиқиб, муҳаббат тўғрисида яхши бир куй тинглагандек бўламиз. Шуни тан олиш керакки, Чингиз Айтматов Жамила ва Дониёрларнинг севгисини тасвирлаш эҳтиёжига берилиб кетиб, тарихий шароитни, ташқи муҳитни унутиб қўймайди. Балки қаҳрамонларнинг характери уруш шароитида қандай ўзгариб борганлигини, фашистлар устидан ғалаба қозониш учун каттадан-кичик астойдил меҳнат қилганлигини ҳаққоний кўрсатиб беради. Қиссадан оғир уруш йилларининг нафасини доим сезиб турамыз.

Адабиётлар:

1. Чингиз Айтматов. Болалигим. Қисса. Нурали Қобул таржимаси. – Т.: “Ijod-press”, 2017.
2. Чингиз Айтматов. Сайланма. Қиссалар. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2016.